
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИГА ЯНГИ РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

“Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси “Ислом Каримов” номидаги “Тошкент халқаро аэропорти” чегара божхона пости бошлиғи бўлиб ишлаб келган Тўраев Шавкат Шоназарович Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Бугун вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Шавкат Тўраев вилоят жамоатчилигига таништирилди.

Шавкат Тўраев 1979 йилда Бухоро вилояти Ромитон туманида туғилган. Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. 2004 йилдан бери божхона тизимида турли масъул лавозимларда фаолият олиб борган.

2017 йилдан буён Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келган Ихволжон Азимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-06-10 10:03:03